*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 167 (8157).

2 сентябрь жума 1983 йил

Баҳоси 3 тийин

## ТЕРИМ БОШЛАНДИ!

ОЛТИН ҚЎЛЛИ ПАХТАКОРЛАР ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН! ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА!

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида шу йил 1 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Бухоро | 0,40 | 1,37 |
| Навоий | 0,10 | 0,10 |
| Сурхондарё | 0,04 | 0,04 |
| ҚҚАССР | 0,03 | 0,03 |
| Самарқанд | 0,02 | 0,02 |
| Андижон | — | — |
| Жиззах | — | — |
| Қашқадарё | — | — |
| Наманган | — | — |
| Сирдарё | — | — |
| Тошкент | — | — |
| Фарғона | — | — |
| Хоразм | — | — |
| Республика бўйича: | 0,4 | 0,12 |





Суратда: учрашув пайти.

УзТАГ фотоси.

# ПАРТИЯНИНГ АКТИВ ЖАНГЧИЛАРИ БЎЛАЙЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлган учрашув барча авлодларга мансуб бўлган совет кишилари дилида қайноқ акс садо берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ёрқин, сермазмун нутқи Ўзбекистонда яшовчи ва ишловчи ветеранларнинг катта отряди учун жанговар ҳаракат программаси бўлди. Ленин гвардияси жангчиларининг ғоят бой тажрибасидан ҳозир замонамизнинг конкрет проблемаларини ҳал этиш учун, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш учун самарали равишда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1 сентябрь куни партия ветеранлари билан учрашув бўлиб ўтди. Революцияда қатнашган, душманларга қарши жангларда ёш Советлар республикасини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, янги жамиятга пойдевор қўйган, Улуғ Ватан урушидаги ғалабага замин яратган, халқ хўжалигини қайта тиклашда иштирок этган, беш йилликлар топшириқларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилган кишилар Қорақалпоғистон АССРдан ва республиканинг барча областларидан Тошкентга келдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Т. Н. Осетров** очиб, бундай деди.

— Партиямизда меҳнаткашларнинг турли категориялари билан учрашиб туриш, суҳбатлашиш, сиёсий иш, хўжалик ва маданий қурилишнинг актуал масалалари юзасидан маслаҳатлашишдан иборат ленинча яхши анъана қарор топди. Биз бу ерда сизларга миннатдорчилик сўзларини изҳор этиш учунгина тўпланганимиз йўқ. Ўртоқ Ю. В. Андропов ўз нутқида қуйидаги ажойиб сўзларни айтди: «Ветеранлар — янги турмуш қуришнинг ноёб тажрибаси, бутун инсоният бойлигига бойлик қўшган тажриба соҳибларидир». Сизнинг тажрибангиз, сизнинг билимларингиз бугунги кунда Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдида турган янги вазифаларни ҳал этиш учун ғоят зарурдир.

КПСС Марказий Комитетидаги учрашув қатнашчиси, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1918 йилдан КПСС аъзоси О. С. Паршин сўз олади.

Кўпгина ўртоқларим каби менинг ҳам 1921 йил мартида РКП(б) X съезди ишлаб турган пайтда В. И. Лениннинг партиядаги ва мамлакатдаги аҳвол тўғрисида ўртоқларча суҳбатлашиш учун кекса большевикларни тўплаганлиги эсимда. КПСС Марказий Комитетидаги учрашув — ленинча анъананинг давомидир. Совет кишилари авлодларининг алоқаси давомийдир, партиямизнинг бутун тарихи буни тасдиқлаб турибди.

Ҳозир 85 ёшдаман, шундан 65 йили мобайнида партиямиз сафидаман. Менинг авлодим зиммасига революция қилиш, мамлакатни вайронгарчиликлардан тиклаш, социализм пойдеворини қуришдек жуда қийин ва айни вақтда ғоят фахрли тарихий вазифа тушди. Ёшлигимдаги ўртоқларимдан бу ерга тўпланганларнинг ҳар бири барча тенгқурларимиз каби босиб ўтилган йўлга, фидокорона меҳнат ва қаҳрамонона зафарлар йўлига ифтихор билан назар ташлашлари мумкин.

Юрий Владимирович Андропов совет кишиларининг ҳар бир авлоди умумий ишнинг ўзига хос улушини бажаришга мушарраф бўлмоқда, деб жуда тўғри айтди. Зотан биз кекса коммунистлар Октябрь ғояларига, Ленин ғояларига садоқат билан хизмат қиладиган кишиларнинг бизнинг ўрнимизни олишларига ишонаверишимиз мумкин. Ҳар бир партия ветерани, ҳар бир меҳнат ветерани ёшларнинг мураббийси бўлиши муҳимдир. Ҳаёт воқеаларини кўравериб кўзимиз пишган ва эзгуликнинг қадрига етадиган бизлар ёшлар билан мулоқотда зарур сўзларни бемалол топа оламиз.

(Давоми иккинчи бетда).

## *Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи*

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг бугунги суҳбатимиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг партия ва меҳнат ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашуви зўр таассуроти остида ўтмоқда. Коммунистлар авлодларининг давомийлиги, улуғ ишлар ва зафарлар эстафеталарининг партиямиз Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси намуна қилиб кўрсатаётган ажойиб ленинча анъанаси совет халқи олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда яхши хизмат қилмоқда.

Ҳозиргина бу ерда янграган нутқлар ҳаммамизни бениҳоя ва астойдил тўлқинлантирди. Бу нутқлар ўзининг жуда бой тажрибасини, билим хазинасини, бутун ҳаётий ғайрат-шижоатини умумпартиявий ишимизга тўла-тўкис сарфлашга, Владимир Ильич Ленин васият қилиб қолдирган идеалларни рўёбга чиқаришда актив қатнашишга сидқидилдан интилиш руҳи билан суғорилган. Шу залда ҳозир бўлган партиямиз шонли ленинча авлодининг барча намояндаларига, большевиклар гвардиясининг ҳамма ветеранларига, улуғ революцион меҳнат армиясининг донгдор жангчиларига шу туйғу хос эканлигига ишончимиз комил ва буни жуда яхши биламиз.

Сизларнинг Совет ҳокимияти учун курашдаги қаҳрамонлигингиз, социалистик қурилиш жараёнидаги фидокорона меҳнатингиз, севикли Ватаннинг шон-шарафи ва мустақиллиги учун жанглардаги мардона жасоратингиз — Улуғ Ватанимиз таржимаи ҳолидаги муҳим ва муносиб босқичлардир.

Кекса авлодларнинг бу ажойиб фазилатлари — тарих бисотигина эмас. Бу фазилатлар ҳозир ҳам партия ишига, халқнинг бунёдкорлик зафарларига садоқат билан хизмат қилмоқда. Ҳамон ишлаб чиқаришда меҳнат қилиб келаётган, ўзларининг қалб ҳароратларини ёшларни тарбиялашга сарфлаётган, пропагандист ва мураббийлар бўлган ветеранларнинг гражданлик позицияси бениҳоя зўр ҳурмат, ҳаққоний таҳсин ва ифтихорга сазовордир.

Азиз ўртоқлар! Чин қалбдан отилиб чиққан миннатдорчилик ва ташаккур сўзларини, сиҳат-саломатлик, сўнмас куч-ғайрат, муваффақият ва узоқ бахтиёр умр тилаб билдирилган истакларимизни қабул этгайсизлар. Сизларнинг ажойиб ишларингиз ва ташаббусларингиз фарзандлар ва набираларнинг ишлари ва ташаббусларида давом этаверсин, авлоддан авлодга ўтаверсин, мана, 80 йилдан бери шонли Коммунистик партиямиз рўёбга чиқариш учун курашиб келаётган истиқболга муносиб янги ажойиб мазмун билан тўлиб бораверсин.

Коммунистлар учун ҳаёт тажрибаси, — деди Юрий Владимирович Андропов, — шундай бир чўққидирки, унинг тепасига чиқиб олганда очиладиган уфқларни, ҳаёт, ривожланган социализм практикаси олдимизга қўядиган вазифаларни амалга ошириш учун новаторлик йўлларини яхшироқ кўриш мумкин. Бинобарин, Марказий Комитетнинг ветеранлар билан большевиклар гвардияси чинакам бебаҳо тажрибасидан коммунизм иши учун қандай қилиб янада оқилона ва имкони борича кўпроқ наф келтирадиган тарзда фойдаланиш хусусидаги ошкора мулоқати КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини, ўн биринчи беш йиллик режаларини бажариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим тадбирларига ҳамоҳанг бўлиб тушади. Биз сиз билан бугунги суҳбатимизга ҳам худди шу позициялардан қараймиз.

КПСС Марказий Комитетида ветеранлар билан ўтказилган учрашувда таъкидлаб ўтилганидек, экономикани интенсив ривожланиш изига солиш — ҳозирги муҳим вазифадир. Эндиликда биз ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришлари пишиб етилган ва муқаррар бўлиб қолган ҳамда шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш зарур бўлган бир маррага етиб келдик. Июнь Пленуми чиқарган мана шу принципиал аҳамиятга молик хулоса экономика соҳасидагина эмас, шу билан бирга, онг соҳасида, умуман жамиятнинг устқурмаси соҳасида ҳам ишимизнинг мазмунини белгилаб беради.

Бу ўринда гап ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини тубдан юксалтириш сингари вазифалар тўғрисида бормоқда. Гап фан ва техника революцияси ютуқларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, мулкнинг икки формасини ягона умумхалқ мулки қилиб аста-секин қўшиб юбориш, жамиятнинг синфсиз структурасини қарор топтириш тўғрисида бормоқда.

Меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини ошириш, ташаббускорликка ва социалистик омилкорликка, меҳнатга ва социалистик мулкка онгли, ҳалол муносабатда бўлишга, меҳнат ва турмуш маданиятидан тортиб то оқилона истеъмол ва юксак эстетик талаб-эҳтиёжлар маданиятигача ғоят кенг маънодаги социалистик цивилизацияни вояга етказишга қаратилган янги типдаги иқтисодий тафаккурни вужудга келтириш — яна бир катта ва муҳим вазифадир.

Булар — катта, истиқболли проблемалар бўлиб, биз уларни энг яқин пайтдаги мақсадларимизни амалга ошириш учун нақадар зўр ғайрат билан киришсак, шу қадар муваффақиятлироқ ҳал этаверамиз. Ихтиёримиздаги нарсаларнинг ҳаммасида тартиб ўрнатиш, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциалдан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, хизмат доирасининг баъзи тармоқларидаги қолоқликни тугатиш, Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишини таъминлаш — бош вазифадир, — бу ишда ҳам биз, азиз ўртоқлар, сизларнинг мададингизга таянамиз.

Илм-фаннинг кучини бой амалий тажриба билан, сиёсий ва иқтисодий маорифни хўжалик қурилишида меҳнаткашлар ташаббуси, ижодкорлиги ва ғайратини ривожлантириш билан бирга қўшиш нақадар муҳимлиги ҳақида гапиришга эҳтиёж бўлмаса керак. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми масалани айни шу тарзда ленинчасига қўймоқда, Юрий Владимирович Андропов ветеранлар билан учрашувда айни шу нарсани яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Азиз ўртоқлар! Иш услубини такомиллаштириш, давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида Марказий Комитет берган йўл-йўриқларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида республика экономикасининг ривожланиш суръатлари сезиларли равишда кучайганини, одамларнинг фаровонлиги ва маданияти янада ошиб бораётганини ўзларингиз биласиз.

Шу беш йилликнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш топшириқлари ошириб бажарилди, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш плани бажарилди. Пландан ташқари 700 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш айниқса тез суръатлар билан кўпаймоқда. Олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи ўсди.

Беш йиллик бошланганидан бери 38 та йирик саноат корхонаси ишга туширилди, 6,2 миллион квадрат метр уй-жой, кўпдан кўп турли маданий-маиший объектлар қурилди.

Қишлоқ хўжалигида пахта, дон, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари муваффақиятли бажарилди.

Аммо партия бизга эришилган натижаларга танқидий баҳо беришни ўргатмоқда. Эътироф қилиш керакки, бу соҳада халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида ҳали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар бор.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари бизни қаноатлантира олмайди. Маҳсулот етказиб бериш интизоми ҳозирча кўп ҳолларда пастлигича қолмоқда. Айрим корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамон тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, маҳсулот сифати суст яхшиланмоқда. Қурилиш министрликлари топшириқларни уддалай олмаяпти.

Хуллас, эскичасига ишлаш одати, ташаббуссизлик ва ишга ижодий ёндашмаслик, айрим раҳбарларнинг одамларни ташкил этиш, қизиқтириш маҳорати етишмаслиги ҳали ҳам сезилиб турибди. Қолоқлик ва бюрократизм, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик кўринишлари бизга жуда халақит бермоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини тугатиш, қатъият ва муросасизлик билан бутунлай йўқ қилиб ташлаш зарур.

Ишлаб чиқаришдаги юксак уюшқоқлик, интизом ва тартиб—иқтисодий ўсишнинг катта резерви эканини бугун сўзга чиққан ўртоқлар тўғри айтиб ўтишди. Шу йилнинг саккиз ойи мобайнидаги ишимизнинг якунлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг йўлини амалга ошириш ишлаб чиқариш қувватларини, моддий ва молиявий ресурсларни кўпайтирмаган ҳолда салмоқли натижаларга эришиш мумкинлигидан яққол далолат бериб турибди. Аммо ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлаш — қисқа муддатли кампания эмаслигини ҳамон ёдда тутишимиз керак.

Ишлаб чиқаришнинг бошдан оёқ бутун уклади — унинг оқилона ташкил этилиши, аниқ иш мароми, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш принципи оғишмай ўтказилиши билан интизом вужудга келтирилади ва кучайтирилади.

Ишлаб чиқаришнинг сифатини ўстиришни таъминлаши лозим бўлган иқтисодий, социал, маъмурий тадбирлар системасида идеологик, тарбиявий тадбирлар алоҳида ўрин олади, ветеранлар мана шуларни: ирода ва эътиқод, билим ва тажриба, шахсий намуна ва жўшқин даъваткор сўз бирикмасини жуда яхши эгаллаб олганлар.

Қисқа қилиб айтганда, интизом масалалари комплекс ҳал этишни, ҳам моддий, ҳам ташкилий, ҳам маънавий омилларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Бу талаб ҳар қандай мураккаб вазифага тааллуқлидир. Азиз ўртоқлар, бу ишда ҳам сизларнинг ажойиб фазилатларингиз бебаҳо аҳамиятга эга бўлади. Ёшларни тарбиялаш — ғоят кенг маънода: профессионал, ғоявий-сиёсий, маънавий жиҳатдан тарбиялаш ҳақида гап борганида шу фазилатларингиз, айниқса, зарур ва муҳимдир.

«Ҳар бир партия ветерани, ҳар бир меҳнат ветерани ёшларнинг мураббийси бўлиши керак», — Юрий Владимирович Андропов масалани шу тарзда қўйди. Ёш авлод билан ишлашга ветеранларни янада кенг жалб қилишни партия ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш таъсирчанлигини оширишнинг, бутун идеология фаолиятининг муҳим воситаси деб билади. Чунки гап мамлакатнинг келажаги ҳақида бормоқда, зотан Улуғ Октябрь байроғига ҳеч бир хилоф иш қилмайдиган, бошланган ишни давом эттиришга қодир бўлган фарзандлар оталарининг ўрнини олишига жамиятнинг ишончи комил бўлмоғи керак.

Ҳозирги ёш авлод учинчи минг йилликни бошлашдек жуда мураккаб вазифаларни ҳал этмоғи лозим. Ҳозирги йигит ва қизлар мамлакатнинг бутун тарихи мобайнидаги энг саводхон, профессионал жиҳатдан энг билимдон кишилардир. Уларнинг жуда кўпчилиги социалистик қурилишда актив қатнашмоқдалар, оталар ишини муносиб равишда давом эттирмоқдалар.

Бироқ биз ёшларнинг орасидаги салбий ҳодисаларни ҳам кўриб турибмиз. Умумий манзара қаршисида текинхўрлик, меҳнатда ва жамоат ҳаётида пассивлик, интизомсизлик сингари айрим ёшларга хос иллатлар кўзга ташланмоқда. Совет жамиятининг тарихий ютуқлари ҳақиқий қадр-қимматини равшан кўрмаётган ёшлар ҳам бор.

Шу боисдан ҳам социализмнинг инсонга бераётган жуда катта социал ва маънавий неъматларини активлик билан моҳирона кўрсатиб бериш ва пропаганда қилиш, меҳнат социалистик турмуш тарзининг энг қимматли белгиси эканини очиқ-равшан тушунтириш керак.

Кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ветеранлар билан учрашувдаги нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда барча меҳнат коллективларида, мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида ветеранларнинг ёшлар билан мулоқотини қандай қилиб ривожлантириш, уларни ўспиринлар билан ишлашга жуда кенг жалб этиш, қайси энг таъсирчан форма ва методлардан фойдаланиш кераклигини чуқурроқ ўйлаб кўришларига қаратилган тадбирлар муҳим ўрин олди.

Кекса, тажрибали ишчи ва колхозчиларнинг энг яхши намунаси, уларнинг обрў-эътибори интизомни мустаҳкамлаш учун умумий курашда жуда катта роль ўйнаши мумкин. Масалан, ветеранларни профилактика кенгашлари составига киритиш, уларнинг кўпгина корхоналардаги комсомол йиғилишларида, ёш ишчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини муҳокама қилишда иштирок этишлари ҳозирнинг ўзидаёқ катта тарбиявий самара бермоқда. Марказий Комитет партия комитетларига коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетлари, ёшларнинг ётоқхоналари ишида ветеранларнинг ёрдамидан активроқ фойдаланиш ҳақида йўл-йўриқ бермоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

**КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами муносабати билан Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуанга, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинга, ВСР Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донгга, ВСР Миллат мажлисининг Раиси Нгуен Хиу Тхога табрик телеграммаси йўлладилар.**

**Ўтган 38 йил мобайнида, деб уқтирилади телеграммада, Вьетнам халқи ўзининг жанговар авангарди — атоқли революционер — интернационалист Хо Ши Мин тузган ва тарбиялаган Вьетнам Коммунистик партияси раҳбарлигида кураш, меҳнат ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди. Вьетнамнинг қаҳрамон ўғил ва қизлари ўз ватанининг озодлиги, мустақиллиги ва миллий суверенитетини империализм ва гегемонизм кучларининг ҳамлаларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, кураш мақсадини равшан англовчи, марксизм-ленинизм музаффар таълимоти билан қуролланган партия раҳбарлигидаги халқнинг иродасини букиб бўлмаслигини яққол исботладилар.**

**Вьетнам меҳнаткашларининг социализм моддий-техника базаси асосларини қуришдаги, экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдаги, халқнинг турмуш даражасини юксалтиришдаги ютуқлари совет кишиларини астойдил қувонтиради.**

**Вьетнам қардош партиялар ва мамлакатларнинг халқлар тинчлиги ҳамда хавфсизлиги учун, уруш хавфига қарши биргаликдаги курашига муҳим ҳисса қўшмоқда. Вьетнам Социалистик Республикасининг Лаос Халқ Демократик Республикаси ва Кампучия Халқ Республикаси билан мустаҳкам ҳамкорликда жануби-шарқий Осиёни тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш учун ўтказаётган изчил йўли халқаро турмушнинг таъсирчан омили бўлиб қолди.**

**Совет—Вьетнам алоқалари йил сайин тобора кенг миқёс ва кўп қиррали характер касб этмоқда, ҳамкорлигимизнинг самарадорлиги ошмоқда. Социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда партияларимиз билан халқларимизнинг баҳамжиҳат ҳаракати тобора мустаҳкамланиб бормоқда.**

**Совет кишилари ишчи ва деҳқонларнинг жануби-шарқий Осиёдаги биринчи давлати 38 йиллигини Вьетнам халқи билан биргаликда нишонлаб, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига мувофиқ, СССР билан ВСР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома асосида муттасил ривожланиб бораётган қардошларча Совет—Вьетнам муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини изҳор этадилар. Бу йил биз мазкур Шартноманинг беш йиллигини нишонлаймиз.**

**Телеграммада Вьетнам халқига ВКП V съездининг мамлакатни социалистик қурилиш йўлидан янада олға силжитишга қаратилган қарорларини бажаришда янгидан янги муваффақиятлар тиланган.**

(ТАСС).

